# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛК МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вазирлар Маҳкамаси давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат товарларини аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш, давлатлараро битимларни бажариш ва экспорт мақсадлари учун ёқилғи-энергетика ва хом ашё ресурсларини етказиб бериш ҳажмларини аниқласин ва тасдиқласин.

11. Корхоналар ва хўжаликлар ихтиёрида қоладиган товарлар ва маҳсулотларни сўм-купонларга сотиш бўйича товар хом ашё биржалари иштирокида улгуржи ярмаркаларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётга жорий этилсин.

...

касига келтириладиган товарларнинг барча турлари импортига бож пошлиналари 1995 йил 1 июлга қадар бекор қилинсин.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда республика ҳудудига келтириш тақиқланган товарлар (қимматли буюмлар) рўйхатини аниқласинлар ва уни республика божхона бўлинмаларига етказсинлар.

15. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан берила...

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА

### ФАОЛИЯТНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ МАХСУС РУХСАТНОМА (ЛИЦЕНЗИЯ)-ЛАРНИ БЕРИШ ВАКОЛАТИГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамаси
2. Адлия вазирлиги
3. Молия вазирлиги
4. Марказий банк
5. Ички ишлар вазирлиги
6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
7. Халқ таълими вазирлиги

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 2-ИЛОВА

### ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ДАВЛАТ КОНЦЕРНЛАРИ НЕГИЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЮШМАЛАРИНИНГ

...

24. Винобоп материаллар
25. Кирсовун
26. Шиша идишлар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 4-ИЛОВА

### ТОВАРЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ (ШУ ЖУМЛАДАН, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИГА ЧИҚАРИШ) УЧУН БОЖ ПОШЛИНАЛАРИНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК СТАВКАЛАРИ

| Товарнинг қисқача номи | Контракт қийматидан % ҳисобида олинадиган бож пошлиналари ставкалари |
|---|---|
| 1. Пишлоқ ва ёғли бринза | 50% |
| 2. Товар озиқбоп балиқ маҳсулоти, шу жумладан, балиқ консервалари | 50% |
| 3. Омихта ем | 50% |
| 4. Экиш ва қайта ишлаш учун уруғлар, мевалар ва споралар | 20% |
| ... | |
| тайёрланган чилвир | 10% |
| 56. Вискоза толаси (сунъий тола) | 5% |
| 57. Синтетик, сунъий толадан эшилган ип | 10% |
| 58. Қўлда тўқилган гиламлар | 40% |
| 59. Марварид, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металлар ва улардан тайёрланган буюмлар | 50% |
| 60. Арзонбаҳо металлардан тайёрланиб қимматбаҳо металлар билан қопланган буюмлар | 40% |
| 61. Кабель маҳсулоти | 20% |
| 62. Рангли металлар, қотишмалар, прокат ва буюмлар | 10% |
| 63. Алюминийдан қолиплаб, қуйиб тайёрланган идиш | 50% |
| 64. Рангли металлар чиқиндилари ва парчалари | 40% |
| 65. Санъат асарлари, коллекцияланадиган буюмлар | 100% |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 5-ИЛОВА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН

